

# *Зиё нурин таратиб*



Ўзбекистон Фанлар академияси  
“Фан” нашриёти  
Тошкент 2021

**УДК: 512.133 (7.011.26:398.8**

**ББК: 82.3**

**О-95**

### **Тахрир ҳайъати:**

Азамат Зиё (раис), Жаннат Исмоилова, Абдуҳалим Эргашев, Зулайҳо Қодирова, Шерзодхон Маҳмудов, Дибором Алимова, Абдулла Расулов, Хуршида Юнусова, Адҳамжон Аширов, Нигора Аллаева, Муҳайё Исоқова, Машхура Дармонова, Анора Тоғаева, Қаҳрамон Ёқубов, Жамшид Перемкулов, Воҳид Холов, Наргиза Исматова, Мухтор Шамсиев (масъул котиб).

Ушбу китобдан атоқли олима, тарих фанлари доктори, профессор, Фанлар академияси Тарих институтининг бош илмий ходими Доно Зиёеванинг (1961 – 2021) ҳаёти ва илмий-устозлик фаолияти хақида оила аъзолари, устозлари, ҳамкаслари, шогирдларининг хотиралари ўрин олган. Эсдаликларда бутун умрини ўзбек халқи ва давлатчилиги ўтмишини ўрганишга, тарих илми ва таълими ривожига бағишилаган фидойи инсоннинг ёрқин сиймоси гавдаланган.

## Сүзбоши ўрнида

Севимли рафиқамнинг шогирдлари, ҳамкаслари, дўстлари ва қариндошлар! Раҳматли ажойиб рафиқам, бебаҳо аёл, фидокор олима, тарих фанлари доктори, профессор Донохон Зиёева ҳақида билдирган ажойиб фикрларингиз ва хотираларингиз учун сизларга чуқур миннатдорчилик изҳор этаман. Қимматли вақтингизни аямасдан Донохоннинг ёрқин хотираси абадий сақланиб қолиши ва унинг ибратли умри келажак авлодлар учун намуна бўлишига ҳисса қўшганингиз учун ташаккур билдираман. Мен эса, Аллоҳим менга таърифига сўз ожиз аёлнинг турмуш ўртоғи бўлиш, у билан қирқ йил бирга яшаб, уч фарзанд ва саккиз набирани вояга етказиш, бундай аёл билан ҳаётнинг баланду пастликлари, ғам-ташвишу хурсандчиликларини баҳам кўриш ва берилган гўзал ҳаётни ҳис қилишни насиб этгани учун шукр қиласман. Биз Донохон билан оиласиз қўргонини янада мустаҳкамлаш ва набираларни тарбиялаш борасида катта режаларни мақсад қилиб қўйган эдик. Афсуски, бешафқат ўлим қадрли инсонимни биздан бевақт ажратди.

Бизнинг яхши кунларимизда ҳам, шундай ажойиб инсонни йўқотишдек қайгули кунимизда ҳам ёнимизда бирга бўлган ёру дўстларимизга миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Донохоннинг руҳи шод бўлсин!

Сизлардан имкон топганингизда Донохоннинг ҳаққига дуо қилиб туришингизни сўраб қоламан.

Хурмат билан Абдуҳалим (Алишер) Эргашев.

набираларига ўта меҳрибон, улар билан ўтказган вақтидан доим чоғ бўларди. Биз шогирдларидан ҳам оналик меҳрини аямасдилар.

Доно Зиёева хаётга ташналиги, янги таассуротлар ва хисси-ётларга интилиши билан бизга ўрнак эди. Мен учун улар катта хаётий тажрибага эга, лекин қалби болалардек беғубор ва беозор бўлиб кўринарди. Баъзида ўзлари ёзган шеърларини шогирдлар билан бўлишиб туриши уларнинг шоиртабиат, кўнгли нозик, юксак дидли, серкирра истеъод дэгаси эканлигидан далолат берарди.

Устознинг илмга муносабати алоҳида бир намуна, десам хато бўлмайди. Иzlанишдан, янги foяларни ҳаётга татбиқ этишдан чарчамасдилар. Ўзларини аямай, тинимсиз ишларди. Гоҳида ярим тундан кейин ёзишиб қолсак ёки байрам арафасида сухбатлашганимизда ҳам ишлаб ўтирибман дерди. Бунчалик илмга чанқоқлик, серғайратлик, фанни ривожлантиришга интилиш хисси олимлар даврасида ҳам камдан-кам инсонларда учрайди ва таҳсинга сазовордир.

Афуски, бевакт ўлим устознинг кўпдан-кўп янги лойиҳа ва foяларининг амалга ошишига тўқсинглик қилди. Албатта, менинг дилимда ҳам устозга айтолмай қолган сўзларим бор. Улар бошчилигидаги ишимни кўз олдиларида ҳимоя қилиш армон бўлиб қолди. Қалбимда устоз Доно Зиёевага катта илм оламига олиб киргани, кимматли маслаҳатларини аямагани, инсоний фазилатлари билан шахсий намуна кўрсатгани учун чексиз миннатдорчилик хисси ҳеч қачон сўнмайди.

Инсондан хотира қолади. Устознинг хотираси эса ёзган ишлариди, уларга берилган ҳар бир ҳаволада, асарлари асосида ёзилган тадқиқотларда абадий муҳрланиб қолади. Биз шогирдлар устоз бошлаб берган ишларни давом эттириб, руҳларини шод қиласиз.

*Нафиса Хаётова*

### **Азиз устозимни эслаб...**

Устозим Доно Зиёева ҳақида хотираларимни ёзиш мен учун жуда қийин кечди. Қўлимга қалам олишим билан вужудимни титроқ босарди. Хаёлим паришон бўлиб, ақлим бу ҳақиқатни қабул

қилишни хоҳламаётгандек эди. “Устоз отангдек улуг” деган иборани энди бутун вужудим билан хис қилдим. Устозингдан жудо бўлиш қанчалик оғир эканлигини энди биляпман.

Атоқли тарихчи Ҳамид Зиёевнинг тарихий китобларини талабалик давридан ўқиб катта бўлдик. Ҳамид Зиёев бутун тарихчилар сулоласига асос солдилар десак адашмаймиз. Доно Зиёева мана шу машхур тарихчининг зурриёти эдилар. Доно Зиёева муносиб фарзанд бўлиб тарихнавислик йўналишида илмий ижодларини олиб бордилар. Бутун республика бўйлаб илмли, салоҳиятли шогирдларни етиштириб илмий мактабга асос солдилар.

Устоз билан учрашишим тасодифий бўлган. Тарих факултетини тутатганимдан кейин дастлаб лицейда, сўнг коллеж тизимида тарих фанидан дарс бериб келдим. 2019 йилда коллажлар тизимидағи ислоҳотлар олий таълимда ўз фаолиятимни давом эттиришга сабаб бўлди. Шу сабабли тарих йўналишида мавзу олиб, илмий ишни бошлашга қарор қилдим. Тошкентга илмий раҳбар қидириб бордим. Тарих институти ёнида эрталаб барвақт бориб турганимда биринчи бўлиб Доно Зиёева келдилар. Таваккал қилиб орқаларидан хоналаригача бориб, Бухородан келганимни ва ниятимни айтдим. Бир пас қараб туриб, “Мени танийсизми?”, дедилар. Ўзимга нокулай бўлса-да, узр сўраб, танимаслигимни айтдим. Бухоро ҳақида савол бериб, “Сизга мен устозлик қиласман”, дедилар. Шундай қилиб устоз-шогирд тутиндик. Шуниси қизиқ бўлдики, у киши мени танимай, билмай шогирдликка қабул қилдилар. Мен учун бу катта фаҳр ва масъулият эди. Ҳолбуки, мен Доно Зиёевнинг фаолиятларини, китобларини ва илмий мақолаларини кейинчалик ўрганган бўлсамда, мен учун биринчи учрашув унутилмас ва хижолатли бўлган экан. Сабаби, Доно Зиёевани танимаган ҳолда қандай қилиб Тарих институтига келган эканман, ҳайронман.

Икки йил давомида Доно Зиёева билан иш жараёнида ўзим учун қимматли маълумотларга эга бўлдим. Тарихчи аёл қандай бўлишини Доно Зиёева сиймосида кўрдим. Илмий иш бу оддий иш эмаслигини, баъзида жасорат, сабр-тоқат, узоқ вақт ва машаққат талаб қилишини хис қилдим. Ёзган мақолаларимни кўрсатганимда доимо вақт ажратганлар ва маслаҳат берганлар. Устоз-шогирд муносабатларига доимо жиддий қараганлар ва бу ҳолат ҳам менга дарс бўлиб борди.

У киши оилавий муносабатларда ҳам, фарзандлар тарбиясида биз учун ўрнақдир.

Доно Зиёеванинг ҳаёт йўллари доимо биз учун ўрнақдир.

*Дилбар Абдурасурова*

### **Ўзбекнинг содда, болажон аёли эди**

Барчага бирдай ибратли бўлиш юксак инсонийлик, маънавий-ахлоқий комиллик белгисидир. Бинобарин, яхши инсон бўлиш учун инсон ўз руҳини, қалбини поклантириши, ақлий-маънавий юксак бўлиши зарур. Ана шундай одамларгина бошқаларга ибратдир. Ибратли бўлиш ҳаётда ҳам, фаолиятда ҳам маънавий фазилатларини намоён қила оладиган инсонларга насиб этади. Маълумки, инсон хотира билан тирик, қадри билан улуғдир. Ўтганларни, уларнинг хайрли ишларини ёдга олмоқ, эъзозламоқ халқимизга хос эзгу фазилатлардан хисобланади. Ҳар бир соҳа вакилининг шу соҳанинг етук олими, фидойиси, устаси бўлишида ўзининг ҳиссасини қўшган ҳамда ҳаётда унинг қалбидан чуқур жой эгаллаган устоз мақомидаги яқин инсони бўлади. Натижада ўша шахс яқин инсонининг кўзи билан ҳаётга қарайди, унинг ижобий хислатларини ўзида мужассам қилишга ҳаракат қиласди.

Минг афсуслар бўлсинки, ана шундай инсонлардан бири устозим Доно Зиёева бугун орамизда йўқлар. Шу ўринда устозимиз Доно Зиёева хотирасини ёд этиш, улар тарих фанини илмий-назарий томондан ривожлантиришдаги салмоқли ишлари, ёш олимларни тайёрлашга қўшган ҳиссасини айтиш том маънода хотирага бўлган ҳурматни намоён этади.

Дарҳақиқат, раҳматли Доно Зиёева кўпчилик шогирдлари қаторида менинг ҳам қалбимдан жой олган устоз эдилар. Устозимнинг олдига биринчи бор борганимда, хоналарига биринчи бор кирганимда хаяжонланганимни ҳозир ҳам эслайман. Нима мақсадда келганимни билганларидан кейин, қаердан эканлигимни, қаерда ишлашимни мулойимлик билан сўраб олдилар. У инсонга нисбатан хаёлимдан яхши фикр ўтгандан сўнг хаяжонимни босиб олгандим.